

Туркия делегациясининг Қорақалпоғистонга ташрифи

2018 йил 28 май куни Туркия делегацияси ишбилиармон доираси аъзолари Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буйирди.

Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун инвестиция киритиш ва ушбу мақсадда ҳудуддаги табиий ва минерал бойликларни ўрганишдир.

Ўз навбатида меҳмонларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши мажлислар залида мазкур йўналиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасининг инвестиция потенциали хусусидаги тўлиқ маълумотлар тақдим этилди.

Маълумот ўрнида: Мазкур тадбирлар Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдўғоннинг 2018 йил 29 апрель – 1 май кунлари Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида келишилган битимлар юзасидан амалга оширилмоқда.